

БОШЛАНГИЧ ТҮЛОВСИЗ 5 ЙИЛ МУДДАТГА ФОИЗСИЗ ХОНДОН ХАРИД ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ: РЕНОВАЦИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ФАРФОНА ШАҲРИДА CRYSTAL AVENUE ЙИРИК ТУРАР-ЖОЙ МАЖМУАСИ ЛОЙИХАСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳрида барпо этишга киришилаётган Crystal Avenue йирик турар-жой мажмуаси лойиҳасига старт бериш маросимида иштирок этди.

Республикада илк бор Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган ягона шаҳарсозлик концепциясига асосланган Реновация дастури доирасида шаҳарнинг Туркистон кўчасида 4 гектар майдонда қад ростлайдиган ушбу мажмууда жами 16 та блокдан иборат 6 та 16 қаватли турар-жой биноси барпо этилиб, уларда 1430 та хонадон бўлади. Лойиҳа хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Мажмууда бошланғич түловсиз 5 йил муддатга фоизсиз хонадон харид қилиш имконияти тақдим этилади. Хонадонлар учун 10% олдиндан тўлов қилганларга умумий нархдан 5%, 10% олдиндан тўлов учун 8%, 50 % фоиз олдиндан тўлов учун 10% ҳамда 100 фоиз тўловни олдиндан амалга оширганлар учун 20% чегирмалар мавжуд.

Кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда нуронийларнинг дуолари билан бошланган мазкур мажмуа қурилиш ишларига маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ишсиз ёшларни жалб этиш кўзда тутилган.

Мажмууда дастлабки турар-жойлар 2025 йилнинг 4-чорагида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-04 13:09:28